

го упражнения. Вторым этапом является само речевое упражнение. Эти упражнения должны проводиться в

определённом соотношении с системой упражнений по закреплению новой темы.

Литература

1. Кутлимуратов Б. Каракалпакский язык. Грамматика, орфография и развитие речи. Учебник для 1 класса. Изд. 10-е. – Ташкент: “Ўзбекистон”, 2008. –С.96. (На каракалпакском языке)
2. Кутлимуратов Б., Ходжамуратова. Родной язык. Грамматика, орфография и развитие речи. Учебник для 2 класса. Изд. 10-е. –Ташкент: “Ўзбекистон”, 2008. –С. 128. (На каракалпакском языке)
3. Давенов Е., Успанова Дж., Абдиджаббаров Х. Каракалпакский язык. Грамматика, орфография и развитие речи. Учебник для 3 класса. –Ташкент: “Ўзбекистон”, 2008. –С. 144. (На каракалпакском языке)
4. Давенов Е., Успанова Дж. Родной язык. Грамматика, орфография и развитие речи. Учебник для 4 класса. –Нукус: “Каракалпакстан”, 2009. –С.232. (На каракалпакском языке)
5. Никитина Г.Г. Обучение младших школьников творческим работам на основе интеграции языковой и литературной подготовки. Составление рассказа по серии сюжетных картинок. // Начальная школа. 2007. № 5. – С. 55–57.

РЕЗЮМЕ

Маколада нуткий машкларни ташиқлаштиришнинг реал имкониятлари ҳамда ушбу имкониятларда ҳозирги она тили дарсликларидаги ҳолатларни такомиллаштиришда фойдаланиш йўллари очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются реальные возможности организации речевых упражнений, а также пути расширения этих возможностей в условиях современных учебников по родному языку.

SUMMARY

The article deals with the real opportunities of working out speech exercises and the ways of extension of these opportunities in conditions of modern textbooks in the native language.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ҚИЗИҚИШЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

З.Т.Нишанова - психология фанлари доктори, профессор

Г.К.Алимова – катта ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

(Ушбу мақола А-1-16 рақамли “Имконияти чекланган ўқувчиларда касбий қизиқишларни

ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари” номи амалий лойиҳа доирасида тайёрланди)

Таянч сўзлар: касб, қизиқиш, ривожланиш, тренинг, гуруҳ, тренер, лаёқат, қобилият, касб танлаш, касбга йўллаш.

Ключевые слова: профессия, интерес, развитие, тренинг, группа, тренер, склонность, способность, выбор профессии, профессиональная ориентация.

Key words: profession, interest, progress, training, group, trainer, capability, deviate, professional selection, profession orientation.

Таълим тизими ва мазмунини демократлаштириш давлатимизнинг устувор сиёсати бугунги ёшларни ҳар томонлама ривожланган, етук, дунёқараш кенг, билимли ва баркамол шахс қилиб вояга етказишдан иборат. Мамлакатимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда таълим тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар муҳим аҳамият касб этаётир. Ислохотларни амалга ошириш жараёнида, албатта, билимли ва малакали кадрларга катта эҳтиёж сезилади. Ҳозирги ёшлар замонавий билим масканларида таълим олиш билан бир қаторда меҳнат бозори талаб қилаётган касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллаб, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун улар ўзлари қизиққан касбларни танлашлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилининг изохли луғатида қизиқишга қуйидаги таъриф берилди. “Қизиқмоқ- 1. Қизиқиш билан эътибор бермоқ, астойдил берилмоқ, берилиб муносабатда бўлмоқ, ҳаракат қилмоқ, 2. Билиш, ўрганиш, ишлашга майл қўймоқ, ҳасавманд бўлмоқ” [1]. Психологик нуқтаи назардан қизиқиш бу шахснинг диққат-эътиборини муайян нарсага эришишига, воқелик ва ҳаётнинг муайян соҳасига, муайян бир фаолиятга бир мунча узок вақт ва барқарор қаратилишида ифодаланади. Мактаб психологлари ҳамда касбга йўллаш билан шуғулланувчи синф раҳбарлари ўқувчиларнинг қизиқишларини аниқлаб, сўнгра касбга йўлласалар, ўқувчиларнинг тасодифий касб танлашларининг олди олинган бўлади. Бир фарзандларимизни шахс сифатида баркамол инсон бўлиб етишишини истасак, унинг “бўш жойини” тўлдириш эмас, балки у қизиққан соҳани аниқлаб, бу қизиқишни янада ривожлантиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Кўпинча ота-оналарнинг фарзандлари қайси фанни ўзлаштирмаётган бўлса, ўша фандан қўшимча дарслар ташкил қилишларининг ёки, фарзандни мажбурлаб, ўргатаётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳаётда эса бола агар футболга қизиқса, уни мажбурлаб математикани ўргатишнинг ҳожати йўқ, балки уни ўзи севган, жони дили билан қизиққан футбол тўғрисида олиб бориб

берсак, балки ундан келажакда футбол бўйича жаҳон чемпиони чиқиши мумкин.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этиладиган ўйинлардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг касбий қизиқишларини аниқлаш ҳамда улардан касбга йўллаш ҳамда тарбиявий соатларда кенг фойдаланиш мумкин.

“Келгиндилар” ўйини

Ўйиндан қўзланган мақсад: жамият ва айрим инсон турмушида меҳнатнинг ролини кўрсатиб беришдан иборат. Ўйин бахтга эришиш йўлида меҳнатнинг ролини тушуниш муаммоси билан боғланган бўлиши, узок келажакдаги касбий мақсадни ақс эттириши ва унинг бошқа ҳаётий мақсадларга мувофиқ бўлишини белгилаб бериши лозим. Ўйин жамият турмушида меҳнатнинг роли меҳнат ва шахс мавзуларини ўрганган ҳолда касб танлаш курси доирасида фойдаланилиши мумкин.

Ўйинни ўтказиш шартлари: Ўйин ўқувчиларнинг бутун бир синфи билан (7-8 синфлар) ишлашга мўлжалланган. Ўйин учун ажратилган вақт 30-40 дақиқа. Ўқувчиларни ручка ва қоғозлари бўлиши керак.

Ўйин тартиби. Ушбу ўйин зўр бериб тайёргарлик босқичисиз ўтказилиши мумкин. Жамият турмушида меҳнатнинг роли тўғрисидаги маъруза материални мактаб ўқувчиларига ўйин олдидан ҳам, ўйиндан кейин ҳам таклиф қилиш мумкин. Ана шу материалнинг таркибий қисмларидан ўйин натижаларини муҳокама қилган чоғда ҳам фойдаланиш мумкин. Ўйиннинг ўзида қуйидаги босқичлар шартли равишда намоён бўлади:

1. Синф ўқувчиларидан 2-3 киши танланади, улар “келгиндилар” бўлишади. Уларнинг синф пешқадамларидан бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2. Қуйидаги мазмундаги умумий йўл-йўриқ берилди: бошқа цивилизация намоёндалари сайёрамизга келганликлари ҳақидаги хабарни қўтилмаган бир пайтда олдик. Ҳаёт хилма-хил газета, журнал дастури уюштирилди. Техникавий жиҳатдан мураккаблиги туфайли

“келгинди”ларнинг бўлиш вақти 15 дақиқа билан чекланган. Шу вақт ичида бизнинг цивилизациямиз бир-бирлари тўғрисида энг асосий нарсаларни билиб олиши лозим.

3. “Келгинди”ларга оғзаки ёки ёзма тарзда қуйидаги мазмунда дарҳол йўл-йўриқ берилади. “Ҳозир сизлар синфдан чиқиб қандай мақсадда ва қаердан келганлигинизни 3-4 дақиқа ичида ўйлаб айтиб берасиз. Сайёрангиз ҳақида кичик ҳикоя тайёрланг, бунда сизнинг аҳолингиз нима билан шуғулланаётганлигини, қандай яшаётгани тўғрисида жавоб беришга тайёр бўлинг. Ўзинингизнинг “Ўзга сайёралик” ташки кўринишингиз тўғрисида ўйлаб кўришингиз мумкин.

4. “Келгинди”лар йўлакда тайёргарлик кўраётганларида журна-листларга, яъни синфда қолганларга қуйидаги мазмунда йўриқнома берилади. Сизлар у ёки бу агентлик радио ёки телепрограммалар, журналлар ёки газеталарнинг вакиллари сиз. Хабар беришингиздан аввал айтиб қайси органнинг вакили эканлигингизни ўйлаб кўринг. Сизлар бу саволларни “келгиндилар” ўз сайёраси ҳақида гапириб бўлганларидан кейин берасизлар. Саволни бера туриб кўлингизни кўтаринг ва олдиндан ўзингиз вакил бўлган органни айтиб беринг. Саволлар лўнда ва кизикарли бўлиши керак.

5. Олиб борувчи “Ўзга сайёралик”ларни таклиф қилади, уларни самимий табриқлайди ва учрашув вақти чекданганлигини эслатиб дарҳол уларга сўз беради. “Ўзга сайёралик”лар ўз сайёраси ҳақида қисқача 5-дақиқа гапириб беради.

6. Ўйинни олиб борувчи журналистларга саволлар беришни “Ўзга сайёралик”ларга эса бу саволларга қисқача жавоб қайтаришни таклиф қилади. Энг кизикарли саволни бериш шу босқичдаги мусобақанинг асосий жиҳатидир. Баъзи саволларни ўйинни олиб борувчининг ўзи бериши мумкин, лекин буни журналистларга бериш яхшироқ, чунки муҳокама чоғида ўқувчиларнинг саволлари таҳлил қилиниши лозим.

7. Учрашув тугашига 1 дақиқа қолганда, яъни ўйин бошлангандан 14 минут ўтгач олиб борувчи ўйин қатнашчиларини бу ҳақда огоҳлантиради ва ўйиннинг 15 минутида “келгиндилар” ғойиб бўлганликларини эълон қилади. “Ғойиб бўлган” меҳмонларга синфда ўз жойларини эгаллашлари таклиф қилинади.

8. Сўнгра ўйиннинг барча қатнашчилари матбуот конференциясидан олган дастлабки таассуротлари тўғрисида қисқача ахборот ёзишлари бу ахборотларда икки жиҳат цивилизация ривожланиш даражасига баҳо бериш ва ушбу цивилизация билан алоқа боғлашнинг мақсадга мувофиқ жиҳатлари акс эттирилиши лозим. Журналистлар ўзлари қайси орган вакили эканликларини ўз варақаларига ёзиб қўядилар ва имкони бўлса ўз хабарларига кўза ташланиб турадиган номлар берадилар, келгиндилар эса бошқа цивилизацияга мансуб эканликларини қайд қиладилар, буларнинг ҳаммаси учун 5-7 дақиқа вақт берилади.

9. Ўқувчиларнинг ҳаммаси хабарларни ёзиб улгурганликлари ёки улгурмаганликларидан қатъий назар 5-7 дақиқадан кейин хабарлар йиғиштириб олинади. Биринчи бўлиб ёзганларни журналистик оперативлик учун мактаб қўйиш мумкин. Тўпланган хабарлар овоз чиқариб ўқи берилади. Ўқи беришни икки ўйин қатнашчисига “Айниқса пассивларга” таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар хабарларни навбатма-навбат ўқи берадилар. Ушбу тартиб ўйини муҳокама қилишга тайёргарлик кўришдир. Бу босқич учун ажратилган вақт 5-7 дақиқа.

“Уюшма” ўйини

Ўйиндан кузатиладиган мақсад: мактаб ўқувчиларини турли касбларга бўлган ҳақиқий муносабатини аниқлашдан ва имкони бўлса ана шу муносабатни тўғрилаб қўйишдан иборат. Ушбу

ўйинни “профессиограмма” мавзусини ўрганиш чоғида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ўйиннинг нисбатан оддийлигини ва ҳис-туйғуга бой бўлиши “Касб танлаш курси” доирасидан ташқарида масалан, туман марказлари негизда заводларнинг касб танлашга йўлловчи лабораторияларида мактаб ўқувчилари билан учрашган чоғида фойдаланиш имконини беради.

Ўйинни ўтказиш шартлари: ўйинда бутун синф (7-8 синф) ўқувчилари шунингдек, барча юқори синфларнинг ўқувчилари қатнашадилар. 1-ўйин учун 15 дақиқа ундан кейинги ўйинлар учун 5-7 дақиқадан вақт ажратилади. Ўйин учун синф досқаси зарур.

Ўйин тартиби (босқичлари): ўйин зўр тайёргарликсиз бошланади (1-2 босқичларида ўйинга қиришилади).

1. Ўйиннинг номи эълон қилинади ва 3 та асосий ўйинчи танланади, синфдаги ҳар қандай ўқувчи бунга сайланиши мумкин.

2. Ўйин шартлари эълон қилинади. Ҳозирги уч киши синфдан чиқади, синф эса кўнглида бирон касбни ўйлаб қўяди. Сўнгра уч киши синфга кириб уюшмага оид саволлар, масалан бу касб қандай рангни, қандай ҳидни эслатади, қандай мебелдан фойдаланилади ва шу каби бошқа саволлар ёрдами билан жумбоқни билиб олишга уринади. Ўқувчилардан уюшма ўйинини ўйнаганмисиз деб сўраш мумкин.

3. Сўнгра ўйинни олиб борувчи жумбоқни топувчиларга қуйидагича йўл-йўриқ беради, ҳар бирингиз иккитадан ана шундай савол беришингиз мумкин. Ҳозир сизлар йўлакка чиқиб, 2-3 дақиқа давомида ўз саволларингизни ўйлаб кўринг. Саволларни берган чоғда уни кимга беришингизни аниқ кўрсатинг. Шундан кейин ҳар бирингиз касбни билиб олиш учун биттадан уриниб кўришга эга бўласиз.

4. киши синфдан чиқади, синфдагилар касбни зудлик билан билиб олади, ўйинни олиб борувчи эса ҳар бир кишидан сўраши мумкин, деб ҳаммани огоҳлантиради, шу боисдан ҳамма тўғри лекин эсда, ҳаёлда бўлмаган саволларга тайёр туриши лозим деб огоҳлантиради.

5. Ўйинни олиб борувчи 3 кишини жумбоқни топанларни, таклиф қилади. Улар навбатма-навбат синфдагиларга савол берадилар, ўйинни олиб борувчининг ўзи саволларни жавобларни лўнда қилиб доскага ёзиб қўяди. Саволлар бутун синфга эмас, балки конкрет ўқувчиларга берилишини кузатади ва ўйинни жўшқин бўлишини кўздан кечиради.

6. Барча савол жавоблар тугаб (доскага ҳам ёзиб қўйилгандан кейин) ўйинни олиб борувчи уч нафар топиб олувчига 1 дақиқа давомида ўз жавобларини ўйлаб кўришларини таклиф қилади, шу пайтда ўйинни олиб борувчи синфдагиларга кимларнинг жавоблари унчалик яхши бўлмаганлигини ўйлаб кўришни таклиф қилади.

7. Жумбоқларни билиб олувчилар жавобларни ўз вариантларини айтадилар, бу жавоблар билиб олган касб билан бутунлай мос келмаслиги мумкин, масалан, ҳарбий учувчи касби топилганда (космонавт, милиционер, ҳайдовчи деган жавоблар олинди) кўриниб турибдики, ҳарбий учувчи билан космонавт бир-бирига анча яқин. Ўқувчилар касбни билиб оладиларми ёки йўқлигини аниқлаш ҳуқуқи синфдагиларга берилиши керак. Бироқ бу масала муҳокама қилингандан кейин узил кесил ҳал этилади. Билиб олинган касб табиийки, айтилади.

Ўйиннинг муҳокама қилиниши: уюшмага доир саволга қайтарилган ҳар бир жавобнинг тўғрилиги алоҳида-алоҳида муҳокама қилинади. Башарти синфдагилар жавобга рози бўлмасалар, шундай

жавоб қайтарган ўқувчидан изоҳ беришни талаб қилишлари мумкин. Кўпинча бундай изоҳлар беъмани бўлади. Масалан, бир ўйинда милиционер касби ўйлаб топилади ва касб қандай рангли саволга қора ва оқ деб жавоб қайтарилади, маълум бўлишича, ўқувчи милиционернинг калта таёқчасини назарда тутган экан. Муваффақиятсиз чиққан жавобларни аниқлаган вақтда синфдагилар касбга бир мунча мос бўлган саволлар ўйлаб топиш таклиф қилинади. Бунда ўйинни олиб боровчи ҳам қатнашиб ўқувчиларни касб тўғрисидаги тасаввурларини кузатиш мумкин. Билиб олувчилардан қандай жавоблар ўзларига ҳаммадан кўпроқ ёрдам бергани ва аксинча қандай жавоблар чалғитгани сўраб олиши мумкин. Жавобларни тузатгандан кейин ким ютганини аниқлаш мумкин (дурранг натижа ҳам бўлиши мумкин).

Ўйинни аниқлаш имкониятлари: ўйин турли касбларга нисбатан билдирилган ҳис-туйғуларни аниқлаш имконини беради. Бундай муносабатнинг характери касб танлашга кучли таъсир ўтказилганлиги сабабли ўйинни олиб боровчи умуман синф тўғрисида ва айрим ўқувчилар ҳақида анча муҳим ахборот олади. Чунки бир дарс мобайнида кўпгина мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишлари мумкин.

Типик қийинчиликлар:

I. Баъзи қийинчиликлар тўғрисида, уюшмага оид масала моҳиятини тўла тушунмаслик,

II. Савол конкрет ўқувчига эмас, балки бутун синфга берилиши,

III. Жавоб вариантлари узок ўйлаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу қийинчиликлар ҳақида юқорида ўйин тартибини тавсифлаётган чоғимизда қисқача маълумот берган.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўйлаб топувчилар синфга тайёрланмаган саволлар билан кирадилар ёки жавобларнинг вариантларини ўйлаб топишга улгурмайдилар. Ўйинни олиб боровчи ўйнаётганларга ёрдам бермай, балки аксинча “башарти сизлар тайёр бўлмасангиз у вақтда командангиз ўйинда ютқазиб қўяди . . .” деб ўйинни кескинлаштириши лозим. Бундай ҳолда ўқувчилар улар билан жиддий ўйнаётганликларини тушуниб оладилар, бу эса ўйинга ҳам, машғулот мавзусига ҳам уларнинг қизиқишини оширади.

Адабиётлар

1. Сборник профориентационных игр и упражнений. / составитель: Л.А.Дейко. МАОДОПО ЛУЦ – Ленинградская, 2015. –С. 120.
2. Сборник игр и упражнений по профессиональной ориентации несовершеннолетних. Полевской. 2012. –С. 178.
3. Профориентационные игровые упражнения. -Кировск: «ЮНОСТЬ». 2013. –С. 160.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. III-X. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактаб психологлари ва мактаб интернат психологлари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда фойдаланиши мумкин бўлган ўйинлар ва машқлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся профориентационные игры и упражнения, которыми могут пользоваться школьные психологи и психологи школьных интернатов.

SUMMARY

The article presents the professional orientation games and exercises that can be used by school and boarding school psychologists.

NEEDS ASSESSMENT AND TEACHING ENGLISH FOR SPECIFIC PURPOSES

D.K.Nurmuratova – a teacher

Uzbekistan State World Languages University

Integrated English Language Teaching Department

Таянч сўзлар: касбга йўналтирилган инглиз тили, инглиз тили хорижий тил сифатида, умумий инглиз тили, таълим берувчи, баҳолаш, аутентик, манфаатдор томонлар, хоҳиш- истак тахлили.

Ключевые слова: профессионально ориентированный английский, английский как иностранный язык, общий курс английско-го языка, практикующий, оценивание, аутентичный, заинтересованные стороны, анализ потребностей.

Key words: English for specific purposes, English as a foreign language, English for general purposes, practitioner, assesment, authentic, stakeholders, needs analysis.

ESP

The notion of language teaching focuses on teaching languages for General and Specific purposes. And due to the reforms held on teaching languages in our country - Uzbekistan, particularly in English teaching, GE and ESP tendencies are changing. As it concerns EGP comprises

Ўйиндан фойдаланиши истиқболлари: жумбоқни билиб олувчиларга яхшироқ тайёргарлик кўришга, ўйинни олиб боровчига эса камроқ ноаниқлик вазиятида ўйинни муҳокама қилиниши яхшироқ ташкил этишга ёрдам берадиган уюшмага оид саволларнинг махсус рўйхатини келгусида ишлаб чиқиш мумкин. Ўйинда жумбоқни билиб олувчилар битта эмас, балки иккита мусобақалашувчи гуруҳдан фойдаланишлари мумкин. Касбгина эмас, балки конкрет иш жойларнинг ўқув юртларнинг, у ёки бу касбларнинг типик намоёндаларининг киёфаларини ҳам билиб олиш мумкин.

“Касбни топ” ўйини

Ўйиндан кузатишган мақсад: мактаб ўқувчиларини касбларни таҳлил қилишнинг илмий схемаси билан таништиради. Ўйин “Профессиограмма”, “Касб формуласи” мавзуларини ўрганган чоғда, шунингдек халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги конкрет касблар билан танишган вақтда фойдаланилади.

Ўйин шартлари: ўйин синф билан (7-8 синф ўқувчилари билан) ишлашга мўлжалланган. Биринчи ўйин учун 10-15 дақиқа, шундан кейинги ўйинлар учун 7-8 дақиқа вақт ажратилган. Ўйинда синф доскасидан кенг фойдаланилади, касблар таҳлили жадвалига эга бўлиш макбулдир.

Ўйинни аниқлаш имкониятлари: ўйин конкрет касб бўйича ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш, шунингдек касблар таҳлили чизмасини эгаллаганлик даражасини билиб олиш имконини беради.

Ўйинни такомиллаштириши истиқболлари: ушбу ўйинни ривожлантиришнинг асосий йўли касбни таҳлил қилишнинг бирмунча қулай (ўйин) схемасини кидиришдан иборат. Баъзи бир тартибий такомиллаштиришлар, рағбатлантирувчи мусиқа билан ўйлаб топиш вақтни тўлдириш ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Юқорида таклиф этилган ўсмирларни касбга йўллаш, касбий қизиқишларни ривожлантириш ўйинларидан амалиётчи психологлар нафақат умумтаълим мактаблари, балки алоҳида эҳтиёжга эга ўқувчилар тахсил оладиган махсус мактаб интернатларнинг психологлари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Адабиётлар

1. Сборник профориентационных игр и упражнений. / составитель: Л.А.Дейко. МАОДОПО ЛУЦ – Ленинградская, 2015. –С. 120.
2. Сборник игр и упражнений по профессиональной ориентации несовершеннолетних. Полевской. 2012. –С. 178.
3. Профориентационные игровые упражнения. -Кировск: «ЮНОСТЬ». 2013. –С. 160.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. III-X. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактаб психологлари ва мактаб интернат психологлари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда фойдаланиши мумкин бўлган ўйинлар ва машқлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся профориентационные игры и упражнения, которыми могут пользоваться школьные психологи и психологи школьных интернатов.

SUMMARY

The article presents the professional orientation games and exercises that can be used by school and boarding school psychologists.

NEEDS ASSESSMENT AND TEACHING ENGLISH FOR SPECIFIC PURPOSES

D.K.Nurmuratova – a teacher

Uzbekistan State World Languages University

Integrated English Language Teaching Department

Таянч сўзлар: касбга йўналтирилган инглиз тили, инглиз тили хорижий тил сифатида, умумий инглиз тили, таълим берувчи, баҳолаш, аутентик, манфаатдор томонлар, хоҳиш- истак тахлили.

Ключевые слова: профессионально ориентированный английский, английский как иностранный язык, общий курс английско-го языка, практикующий, оценивание, аутентичный, заинтересованные стороны, анализ потребностей.

Key words: English for specific purposes, English as a foreign language, English for general purposes, practitioner, assesment, authentic, stakeholders, needs analysis.

ESP

The notion of language teaching focuses on teaching languages for General and Specific purposes. And due to the reforms held on teaching languages in our country - Uzbekistan, particularly in English teaching, GE and ESP tendencies are changing. As it concerns EGP comprises

the common core of language sharing by most of its speakers who are usually native speakers and for non native it became ESL/EFL. Ordinary EGP is a linguistic system to learners, whereas ESP is specially made language box to specific communities of learners with highly specialized language needs.